



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 31 август, № 171 (5845)

Шанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, раванқ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изхор этилган.

Жумладан, йўлланган табрикларда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, Сизни ва Ўзбекистон халқини мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан барча америкаликлар номидан муборакбод этаман. 1 сентябрь куни биз мустақил ва суверен давлат сифатида Ўзбекистоннинг 22 йиллигини қўлаймиз.

Ўтган йиллар ичида ўзаро манфаат ва ҳурматга асосланган икки томонлама муносабатларимизни юқори даражага кўтардик ва аминманки, биз шериклигимиз ва ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам кенгайтиришни давом эттираемиз.

Байрам тантаналари Сиз ва Ўзбекистон фуқаролари учун қувончли бўлишини тилайман.

Самимий эҳтиром ила,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллашган:

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қиролчаси **Елизавета II;**

Япония Императори **Акихито;**

Германия Федератив Республикаси Президенти **Йоахим Гаук;**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбаев;**

Туркменистон Президенти

Гурбангули Бердимухамедов;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика;**

Ислам ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби **Акмалиддин Эҳсонўғли;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**

Саудия Арабистони Подшоҳлигида истикомат қилувчи ўзбек ватандошлар

Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний,
Муҳаммад Амин Муқим ва бошқалар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.



Юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги учун интилиш ҳар бир инсонни эзгу ният билан яшашга ундайди. Қўлга киритилаётган ютуқлар, ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар, табиийки, шунга йўл очмоқда.

Навоий вилояти:

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР, БЕКЎС ЯНГИЛАНИШЛАР

Чунки, йигирма икки йил давомида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, ташкил этилаётган янги корхоналар жойлардаги инфраструктурани тубдан ўзгартирди. Бундан Навоий вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Аҳоли, айниқса, ёшлар учун яратилган шарт-шароит таҳсинга сазовор. Замонавий касб-хуна қоллежлари, академик лицейлар, умумтаълим, musiқа ва санъат мактаблари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, кишлоқ врачлик пунктлари ҳамда бошқа ижтимоий масканлар ўз кўрки-чиройи билан шаҳару кишлоқларга фусун ва жозиб ба-

ғишлабгина қолмай, ўғил-қизларимиз тарбияси ҳамда саломатлигига хизмат қилаётди. Жойларда бундай кўркам иншоотлар куриш билан бирга, қадимий обидалар ва тарихий қадимжолар қайта таъмирланмоқда.

Бунинг бир мисоли сифатида Кармана ва Нурота шаҳрида Қосим Шайх мажмуасида амалга оширилган беқўс ишларни эслаш жоиз. Мазкур масканларга бугун зиёратга келган киши янгиланишлардан беихтиёр ҳайратга тушади. Бу жойларга йўли тушган одам унда халқимиз табиғати хос бўлган — ўзи азиз билган манзилларни обод этиш, аждодларга муносиб ҳурмат

кўрсатиш хислатини кўради ва чин дилдан гурурланади.

Хайрли ишлар яхшиликка йўл очади, эзгу мақсад сари одамларни бирлаштиради. Кейинги йилларда вилоятда барча тармоқларда ўсишга замин яратган бир омиш шу, десак, хато бўлмайди. Хусусан, аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланди. Бундан ўтган йил давомида қўлга киритилган натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Жумладан, мазкур даврда ялпи ҳудудий маҳсулот 2,3 фоизга, истеъмол товарлари ҳажми 7,7 фоизга ўсди.

Вилоятда саноат салоҳиятини оширишга қаратилган саъй-ҳара-

катлар ўз самарасини берди. Олти ой давомида 94 та истиқболли лойиҳани рўёбга чиқариш учун 7 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди ва мингга яқин иш ўринлари яратилди.

Кишлоққа саноатни олиб кириш, қасаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш саноатини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ёшлар ва хотин-қизларни янги иш ўринлари билан таъминлашда мустақкам пойдевор бўлмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойида бандлик дастурига кўра, вилоятда 21,7

мингдан зиёд янги иш ўрни очилди. Энг муҳими, уларнинг 16 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Маълумки, Навоийда йирик саноат корхоналари олтин, цемент, уран, вольфрам, фосфорит, кимёвий ўғитлар, сунъий тола ва яна қатор хом ашё, турли эҳтиёж маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Навоий иссиқлик электростанцияси", "Қизилқумцемент", "Электромеханика" каби корхоналар Қизилқум саноат минтақасининг таянқи ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда). >>>

Муסיқа ва санъат инсониятни эзгуликка ундовчи, турли миллатлар ўртасидаги дўстлик ҳамда қардошлиқ ришталарини мустақкамловчи беқўс маънавий воситадир. Бундан истиқлол йилларида Президентимиз томонидан асос солинган "Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивали мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.



«Бундай гўзал юртни ҳамиша соғинамиз!»

Зеро, мазкур санъат анжуманининг нуфузи йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан юзлаб санъаткорлар ташриф буюриб, кўна ва ҳамиша навқирон Самарқанд заминидан тинчликни, осудаликни, ўзаро ҳамжиҳатликни баралла мадҳ этишмоқдаки, бу жаҳоннинг жамики санъатсевар, тинчликсевар халқлари учун ибрат бўлиб келяпти. Бинобарин, давлатимиз раҳбари "Шарқ тароналари" тўққизинчи халқаро муסיқа фестивалининг очилиш маросимида шундай деб таъкидладилар: "...бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда

халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдишларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни мустақкамлаш йўлида муסיқа санъатининг беқўс кучи ва таъсирини намоён этишда "Шарқ тароналари" каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қийслаш қийин, десам, ҳақиқатни айтган бўламан".

Дарҳақиқат, бундан 16 йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан бошланган, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган, элларни элларга, дилларни дилларга бог-

(Давоми 2-бетда). >>>

Кенг қўламли ислохотлар самараси

Бугун мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган фарзандларимизга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, таълим бериш борасида ижобий натижаларга эришилаётди.

АНЖУМАН

Хусусан, халқ таълими тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар самараси нафақат ўқувчи ва ўқитувчиларнинг, шу билан бирга, оналар, кенг жамоатчилик, хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Буларнинг барчаси истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, улкан ғамхўрлик шарофатидир. Бу ҳақда куни кеча Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда алоҳида таъкидланди. Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан уюштирилган мазкур тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими

вазири Улуғбек Иноятов ва бошқалар соҳада эришилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар самараси нафақат ўқувчи ва ўқитувчиларнинг, шу билан бирга, оналар, кенг жамоатчилик, хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Буларнинг барчаси истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, улкан ғамхўрлик шарофатидир. Бу ҳақда куни кеча Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда алоҳида таъкидланди. Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан уюштирилган мазкур тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими

(Давоми 3-бетда). >>>

ДИЛ СЎЗИ

Саломатлик — бебахо нәмат. Зеро, руҳимиз тетик, жисму жонимиз соғ экан, ҳаёт завқини туйиб яшаймиз. Эзгу ният билан хайрли юмушлар, элу халқ манфаати йўлидаги ибратли ишларга ҳисса қўшиш учун интиламиз.

Юксак эътироф ва ишонч масъулияти

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожига эътибор масаласи фаровон келажакни таъминлаш йўлидаги энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг эртанги ёруғ истиқболли миллат соғлиғи, навқирон авлод тақдирини билан чамбарчас боғлиқдир. Бугун ушбу ҳаётини ҳақиқатга монанд тарзда аҳоли саломатлигини асраш, маънан ва жисмонан баркамол фарзандларни вояга етказишдек хайрли мақсад йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда). >>>

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Ўтқирбек Эрнӣёзов касбидан ҳам, турмушидан ҳам барака толганлардан. У ҳарбий хизматчи. Турмуш ўртоғи Умидаҳон билан бир қиз, икки ўғилни тарбиялашапти. Куни кеча янги уй-жойга кўчиб кирган бу ёш оиланинг бахту саодати янада тўқис бўлди...

Ҳарбийларга янги уйлар

Дарҳақиқат, энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустиқиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг қалити топширилиши қўлаб оилаларга қувонч бағишлади. Чирчиқ шаҳрида барпо этилган 50 хонадондан иборат тураржой биносини фойдаланишга топшириш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўрин-

босари М. Салиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳолини, хусусан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, бундай тураржойларда юксак талаблар, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилалари эҳтиёжига жавоб берадиган қўлай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилма яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда). >>>

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

2013 йилнинг январь — июнь ойлари мобайнида республикамиз тижорат банкларининг жами капитали

23,6 фоиз
кўпайди.

Мамлакатимизда банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш бўйича изчил ҳамда пухта ўйланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида ана шундай ижобий натижага эришилди.

(Давоми 2-бетда). >>>



«Бундай гўзал юртни ҳамини соғинамиз!»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Меҳмонлар жойлардаги учрашувлар чоғида нафақат ўз дастурларини намойиш этишди, шу билан бирга, фольклор-этнографик дастурларнинг ҳамда болалар мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактабларда таҳсил олаётган, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болажонларнинг чиқишларини ҳаяжон ила томоша қилишди. Бундай учрашувлар қизгин гуруннга айланди. Хорижлик санъат аҳли ўзларига кўрсатилган иззат-икромдан, меҳмондўстликдан миннатдор бўлиб, юртимиздаги тинчлик-тотувликдан, бунёдкорлик ишларидан ҳайратланганликларини бот-бот эътироф этди.

мисолида жаҳон санъатининг энг сара асарлари халқимизга тақдим қилинаётир. Самарқанд. Регистон майдони. Фестивалнинг энг қизгин, ҳаяжонларга бой 30 август оқшоми. Регистон майдонидаги фестивал иштирокчилари, меҳмонлар, санъат ихлосмандлари жамулжам бўлди. Барчанинг нигоҳи соврини — Гран-при Ҳиндистон Республикаси вакилларига насиб этди. Буркина-Фасо ва афгонистонлик иштирокчилар биринчи, Хитой, Буюк Британия ва Жанубий Корея санъаткорлари иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ўзбекистонлик созанда Аброр Зуфаров, Япониянинг "Чикуюша" гуруҳи ҳамда австриялик санъаткорлар — Фестивалда жаҳоннинг 52 давлатидан ташриф буюрган санъаткорлар қатнашаётганлигини эшитганимизда, ниҳоятда ҳаяжонландик, — дейди Гран-при соҳиби, Ҳиндистон жамоаси раҳбари Рашид Агарвал хоним. — Шундай нуфузли санъат фестивалида голиб бўлганимиздан кувончимиз ичимизда сиймаяпти.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тарихан қисқа муддат ичида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй берган оламшумул янгиланишлар, тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилиб, жойларда дунё стандартларига мос энг замонавий даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланган

Юксак эътироф ва ишонч масъулияти

шифо масканлари бунёд этилганлиги бунинг ёрқин ифодаси бўла олади. Фахрлансак арзийдики, юртимиз тиббиётини энг илғор услублар жорий қилиниб, соҳада малакали мутахассислар фаолият юритишлари таъминлаш ҳамда шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида эришилган ижобий натижалар бугун халқаро доираларда ҳам алоҳида эътироф этилаётир. Энг муҳими, бу йўналишдаги ижобий натижалар, бир зумга бўлсин, тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, инсон қадрини улуғлаш ҳамда унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу ташаббуслар изчиллик билан ҳаётга татиқ этилмоқда.

часи бизларда ёрқин таассурот қолдирди. Бетакорор Самарқандни соғинамиз, насиб этса, юртингизга яна келиб, санъатимизни намойиш қилиш истагимиз. Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонликларни кутлуг айём — Мустақилликнинг йигирма икки йиллиги билан кутлаймиз.

Маросим фестивал голиблари ва республиканинг санъат усталари томонидан тайёрланган концерт дастури билан якунланди. Фестивал байроғи туширилди, иштирокчилар келгусида ҳам "Шарқ тароналари" мусиқий анжуманида иштирок этиш ниятини билдириб, хайрлашдилар. Фестивалнинг ёпилиш маросимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов, Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мустақил сурури

ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

22 йил. Мана шу қисқа давр ичида юртимизда асрларга татигулик ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, бозорларимиздаги тўқнашқилик айтмайсизми?! Ростки, ҳозир айни шиққилик пайти эмасми, бозор кезган кишининг кўнгли айрилади. Расаларда тартиб билан териб қўйилган ҳўлу қуруқ мевалар, мазаси тилини ёрар қовун-тарвузлар... Қисқаси, нимаики изласак, уни истагани хариб қилишимиз мумкин. Аслида, бу манзарани фақат шиққилик даврида эмас, йилнинг барча фаслида кузатиш мумкин. Буларнинг бари Истиқлол туфайлидир. У бизга ўз меҳнати мевасини татиб кўриш бахтини бери.

Ана шундай паллада беихтиёр хаёлга толиб, яқин ўтмишимиз хотирамизда жонланади. Кечагидек эсимда. Утган асрнинг 80-йиллари эди. Курсовун, шакар, уни каби рўзгор маҳсулотлари ҳар бир кишига тақсимланган пайлар. Ҳатто, бир қоп унга битта қўйни алмашган кишиларни ҳам биламан. Чунки ун тақчил, нон қиммат эди-да.

Бугун эса вазият тамомилан бошқача. Озод ва обод мамлакатимизда ун ҳам, нон ҳам, бошқа маҳсулотлар ҳам мўл-кўл ва арзон. Одамлар қорин тўйдириб гамидан аллақачон қутулиб, юртимиз истиқболи йўлидаги бунёдкорлик ишлари ҳақида ўйлашмоқда. Уларнинг қалбидан энди фарзандларини билимли, замоннинг илғор кишисига айлантиришдек ширин ташвишлар жой олган.

Бошқача айтганда, бахтли замоннинг бахтиёр одамлари яратувчанлик иштиёқида тер тўкишяпти.

Элибой ТАНИЕВ, «Эл-юрт хўрмати» ордени соҳиби. Пастдарғом тумани

1991



2013

2012 йил

• 2012 йилга мамлакатимизда "Мустақам оила йили" деб ном берилгани азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи ва суянчи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини саналмиш оила институти янада ривожлантиришга хизмат қилди.

• Юртимизда республика Байналмилал маданият маркази ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий ҳужжатида юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлар эътироф этилди.

• "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси замонавий ва барча қўлайликка эга бўлган "Boeing-767-300ER" ҳаво лайнери билан бойиди.

• Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт"и мавзусида халқаро конференция уюштирилди.

• Тошкент шаҳрида "Chevrolet Malibu" русумли янги автомобилнинг тақдими бўлиб ўтди.

• "Томоша" болалар мусиқий театр студияси Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Открытая Европа" халқаро кўрик-фестивалида Гран-при совринини қўлга киритди.

• "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Европа испан тили ўқитувчилари ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

• "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси "Парвозлар хавфсизлиги" ножиорат ҳамкорлигининг "Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун" номинацияси бўйича совриндор бўлди.

• Пойтахтимизда темир йўлчиларнинг замонавий талаблар асосида қад ростлаган янги "Локомотив" футбол майдони фойдаланишга топширилди.

ИЗЛАНИШ

Мустақиллик байрами арафасида Қарши шаҳрида пиллани юқори технологиялар асосида қайта ишлайдиган "Radiam Silk" қўшма корхонаси ишга туширилди.

Ипакчиликда йирик лойиҳа

Ушбу лойиҳа доирасида дастлабки босқичда 1,8 миллион АҚШ долларлик хориз инвестицияси ҳисобига Хитойдан йилга 400 тонна пиллани қайта ишлаб, 150 тоннага яқин хом ипак тайёрлаш қувватига эга дастгоҳлар келтириб ўрнатилди.

— Мазкур корхонани ташкил этиш орқали вилоят экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда ёшлар-

ни иш билан таъминлашни мақсад қилганмиз, — дейди қўшма корхона раҳбари Рауф Рустамов. — Дастлабки босқичда 70 дан ошқ иш ўрни яратдик. Иккинчи босқичда эса яна 200 дан ортиқ кишининг бандлигини таъминлашни кўзда тутганмиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳарбийларга янги уйлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Улкан қурилиш махсус сервис" қурилиш ташкилоти бунёдкорлари томонидан барпо этилган янги уйда хонадон эгалари учун барча шарт-шароит яратилган.

— Ҳаётимни ҳарбий хизматчи билан болаганимдан беҳад мамнунман, — дейди Дилафрўз Шаҳобова. — Бу соҳа вакилларига давлатимиз томонидан кўрсатилган юксак эътиборни бутун оиламиз билан доимо дил-

дан ҳис этиб тураимиз. Турмушимиз обод, рўзгоримиз бут. Мана, Истиқлол байрами шуккуҳи кезиб юрган айни кунларда янги уйга эга бўлдик. Биз, аёлларнинг бахтимиз бутунлиги учун бўлса керак.

Таниқли эстрада хонадалари ҳамда Куролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ихро этган куй-қўшиқлар маросимга чинакам байрамона руҳ бағишлади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навоий вилояти:

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР, БЕҚИЁС ЯНГИЛАНИШЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда 110 та саноат корхонаси мавжуд эди. 2013 йилнинг августига келиб, улар сони 1385 тага етди. Шунингдек, ҳудудда дастлаб 46 турда саноат маҳсулотини ишлаб чиқарилган бўлса, айни пайтда улар 300 дан ортиқ. Шунинг 100 дан ортиғи тайёр маҳсулотлар ҳисобланади.

Ҳудудда енгил саноат ҳам жадал ривожланаяпти. Воҳадаги "Бахт-текстиль", "Навбахор текстиль", "Нурота Текстиль" каби саноат корхоналари сифатли калава ип, ҳар хил турдаги матолар, трикотаж ва бошқа эҳтиёжталаб маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири — сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, тараққий этди, унинг иқтисодиётдаги улуши ўсди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур зонанинг ташкил этилиши, унинг эндида жаҳон андозаларига мос халқаро аэропорт ишга туширилиши мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳудудий ҳаво йўллари транспортини янада ривож топиши, юк ва йўловчи ташвиш қўламини кенгайтириш учун замин яратди.

Эркин саноат ҳудуди

Вилоятда ҳаётга қайноқлик олиб кирадиган қўламли ишлар барча жабҳада амалга оширилаётир. Қуриш ва яратиш, боғ-роғлар барпо этиш кундалик одатга айланган. Бу ҳақда сўз очганда, шубҳасиз, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси хусусида гапирмасликнинг иложи йўқ.

Фермер хўжалиги раҳбари. Бу йил ғалладан баракали хирмон уйди. — Бундай юрт яна қаерда бор? — дейди Аваз ака. — Гоҳо даладан хориб қайтаман, шунда Мадина, Нигина, Гулолим исми қизларим ҳовлини сулуриб, сидириб, сув сегиб қўйган бўлади. Орасталикни кўриб, кўнглим айрилади. Бири чой дамлаб келади, бири дастурхонга иссиқ нон келтиради... Енбошлаб телевизор орқали дунёда бўлаётган ишларни кўриб, шукр дейман! Илоҳим, Ватанимизни ёмон кўзлардан ўзи асрасин!..

Кейинги йилларда кишлоқ инфратузими тармоқлари янада такомиллашиб, янгича қиёфа касб этмоқда. Чекка ҳудудларда ҳам замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳоли табиий газ, тоза ичимлик сув ва электр қуввати билан тўлиқ таъминланаётир, йўлларга асфальт ётқизишмоқда, гузарлар барпо этила-япти, транспорт ва коммуникация хизматлари тараққий этмоқда.


Албатта, бунёдкорлик, қуриш ва яратиш навоийликларни ҳам юрт ободлиги йўлида ёниб ашашга, савоҳат билан савобли ишлар қилишга ундамоқда. Воҳада ўтган 2009 — 2012 йиллар давомида 30 дан ортиқ манзилда 1460 та намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ички йўллар, ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси учун 12 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бунёдкорлик манзилларида...

Аваз Омоновнинг хонадонидан ўзгача бир файз, қўт-барақа ҳукмрон. Бу тўқнашқилик, фаровонлик ва шукроналик ифодаси. У киши Кармана туманида намунавий лойиҳа асосида барпо этилган Қалдирғоч маҳалласидаги хонадонлардан бирида оиласи билан истиқомат қилади. Асл деҳқон.



Шоҳрур ШАРРАТОВ олов суратлов.



яратилган қўлайликлар қўламини янада кенгайтирди. Шу бўис тобора чирой очиб бораётган янги тураржой масканларига бўлган талаб ҳам, қизиқиш ҳам ошмоқда. Жорий йилда вилоятнинг яна 19 та массивида 600 та шу каби замонавий андоза асосида уй-жой қурилади. Янги манзилларда коммуникация тармоқлари архитектура талаблари асосида бунёд этилиши кўзда тутилган.

Бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари туфайли кишлоқ ва шаҳарлар обод бўлмоқда, файзу тароват, кўрку чирой касб этмоқда. Улуғ айём арафасида барча соҳада ўсиш, ўзгартиш ва янгиланишга кузатилаётир.

Мана шу сурур, мана шу руҳ ҳукмрон бўлгани учун энг улуғ, энг азиз байрам муносабати билан вилоятда кўплаб маъмурий ва тураржой бинолари, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари қад ростлади. Навоий шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган кўркам боғ, "Ёшлар маркази", амфитеатр, аквапарк, ёпиқ сув ҳавзаси болажонлар билан гавам.

Ҳаётимизни ўзгартириб юбораётган бу каби яшариш, орасталик ва яратувчанлик ишларини кўриб, беихтиёр "Сен улугдан-да улуг, азиздан-да азизсан, Истиқлол!" дея ҳайқиринг келади...

Азизат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



РИЗҚИ БУТУН ХАЛҚМИЗ

Ғарқ пишган бугдойзорда бўлганмисиз? Ажойиб манзара-я? Эгилиб турган бўлиқ бошоқлар саломеа чиққан келинчаки эслатади. Бу файзу барака, фаровонликдан далолат. Чунки мағзи тўқ бошоқлар эшлади.

Ғалла ҳосилининг мўл бўлиши, энг аввало, уруғликка боғлиқ. Аммо шундай серҳосил нави яратиш осон эмас. Бунинг учун йиллар давомида ҳаловатингиздан кечиб, тиним билмай ишлагингиз, изланишингиз керак. Бу ҳудди иенада қудуқ қазииш билан баробар.

Бирок етарли шароит ва оғина эътибор бўлса, бу каби қийинчиликлар кўзга кўринмас экан. Мустақиллик йилларида илм аҳлига яратиб берилаётган кўлай шарт-шароитлар бизни янада ғайрат-жишоат билан ишлашга руҳлантирмоқда. Истиқлол дунёга чиқиш, хорижлик мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш, ўзaro тажриба алмашиш имконини берди. Натижалар ҳам чакки эмас: институтимиз жамоаси ўтган даврда кўпга бугдой навлари яратишга муваффақ бўлди. "Чиллаки", "Анджон-1", "Анджон-2", "Анджон-4", "Марс-1", "Бобур", "Дурдона", "Омад", "Матонат", "Шодлик", "Аср", "Муфтало" шулар жумласидан. Уларнинг ҳар бири ҳосилдор, касалликка чидамли, дон сифати юқори. Айни пайтда ҳам жамоамиз янги навлар яратиш ишинекини асло сусайтирмас йўқ. Шу мақсадда ҳар йили 400-450 та комбинацияда оддий ва мураккаб усулларда чатиштириш ишлари ўтказилаяпти.

Халқимиз "Сара уруғ — ҳосил бўлиқ" деб бежиз айтмаган. Мўл ҳосил эса дастурхонимиз зийнати, турмушимиз баракасидир. Шуларни ўйлаганда, ғайратимиз жўшиб кетмади. Янгиликлар яратганимиз келади. Тараққиётимизга, оғина бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшсак, деймиз. Уйлашимиз, бугун қайси касб эгаси бўлмасин, ҳар бир юртдошимиз ана шундай кўтаринки кайфият, юксак иштиёқ билан ишмоқда, меҳнат қилмоқда.

Равшанбек СИДДИҚОВ, Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

Мустақил сурури

Дунёда байрамлар кўп. Бироқ булар ичида биз учун энг улуғи ва қадрлиси мамлакатимиз мустақилликка эришган кундир. Негаки, ушбу санани нафақат оддий бир байрам, балки асрий орзуларимиз ушалган кун сифатида нишонлаймиз. Бугун ҳам Истиқлолимизнинг 22 йиллиги бутун юрт узра кўтаринки руҳда қутиб олинмоқда. Бу кунни ҳар ким муносиб тўёна билан қаршиляпти. Хусусан, республикамизнинг чекка туманларидан бири — Узун тумани аҳолиси ҳам мустақиллик шабадаси бағрига тегиб, кўнгли тоғдай кўтарилиб, байрамга ўз ютуқлари билан пешвоз чиқмоқда.

Туман аҳли, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланса-да, халқ амалий санъати усталари, хусусан, моҳир дурадгор, заргар, каштачи, гиламдўзлар ҳам жуда кўп. Қолаверса, ширин-шакар қовунтарвуз, анорзор, узумзор, олмаю нокларимиз шухрати доvon ошган, десак, янгилишмаган бўламиз. Узуннинг табиати ҳам ўзига хос. Бепеён дашту дала-лар, боғ-роғлар, айникса, Боботоғ ёнбағридаги ҳамшиша кўм-кўк пистазор бодомзорларни кўрган одамнинг дили ярайди. Туманда 7 та касб-хунар коллежи, 60 дан ортқ мактаб бор. 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини таркибда 44 маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Одамларнинг эртанги кундан кўнглиллари тўқ. Пойтахтдан минг чақирим олисда бўлишига қарамай, марказий шаҳарлардагидек бу ерда ҳам барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда, — дейди туман тиббиёт бир-лашмаси бошлиғи Абдиқарим Кенжаев. — Ўтган йили 62 минг доллар қийматидаги Япония гранти кўлга киритилиб, мақсад-ли сарфланди, яъни битта УЗИ, битта ЭКГ, битта биохимик таҳ-лил аппарати харид қилинди. "Саломатлик-2" лойиҳаси асо-сида қишлоқ врачлик пунктла-ри 112 миллион сўмлик 101 тур-даги жиҳозлар билан таъмин-ланди. Шошилиш тиббий ёрдам марказимизнинг реанимация ва операция бўлимларига Япония, Жанубий Корея, Хитойдан усқуналар келтирилди. Энди беморларимизнинг ортиқча маблаг ва вақт сарфлаб, узоққа

Мазкур ҳужжат ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёр-

Мақсадимиз улуг, ниятимиз эзгу

Бунёдкорлик фидойилари ана шундай азму шижоат билан меҳнат қилмоқдалар

борилларига ҳожат қолмади. Ҳар қадамда бунёдкорлик ишларига дуч келасиз. Тадбир-корлар ташаббуси билан хориж инвестицияси ҳисобига туман-да шифер ишлаб чиқариш, пахта тозалаш заводи, тўқимачи-лик ва мебелсозлик, сутни қайта ишлаш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

— Бизга кўлай шарт-шароит яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз, — дейди тўқинлиб "Тумарис истиқ-лол текстиль" хусусий корхона-си раҳбари Дилафрўз Тўхтаси-нова. — Имкониятлардан фой-даланиб, корхона ташкил этидик, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳам оиламизга, ҳам қишлоқ-дошларимизга нафимиз тегаётган-дан хурсандимиз. Айни пайт-да корхонамизда 10 киши меҳ-нат қилмоқда. Уларнинг барча-си касб-хунар коллежларини битирган ўғил-қизлардир. Кел-гусидаги ниятимиз корхонани кенгайтириб, қўшимча иш ўрин-лари яратишдир.

Айни кунларда туманда ҳудудий инвестицион дастур асо-сида амалга оширилган 12 та лойиҳа шарофати билан 100 та янги иш ўрни яратилиб, касб-хунар коллежи битирувчилари-нинг бандлиги таъминланди. Мустақиллигимиз берган имтиёз ва имкониятлардан

фойдаланиб қилинаётган бун-дай эзгу ишлар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Негаки, узун-ликлар барча юртдошларимиз катори мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларга ўз ҳиссасини қўшиб, Ўзбекистон обрўсини юксалтириш мақсади-да фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Шу боис ёшу қари-нинг қалбида ифтихор, дилида, тилида шукроналик.

— Бир умр орзу қилган ис-такларимни фарзандларимиз, нева-р-чевараларимиз кўраяп-

аро турнирлар совриндори Элмирбек Бўриев каби кўпга ёшларимиз билан ҳамшиша фахрланамиз.

Намунавий лойиҳалар асо-сида шаҳар шароитидан кам бўлмаган уй-жой массивлари бизнинг Узунда ҳам кўпга қурилмоқда. Ўтган йили шундай уйлардан 44 тасида ҳовли тўйлари ўтказилган бўлса, бу йил 45 та хонадонда сўнгги қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда.

— Кўпдан бери ана шундай

ҳашаматли ҳовли-жойда яша-ни орзу қилардим, — дейди Жончекка қишлоғилик Хайрул-ла Хайдаров қувончи ичига сиг-май. — Бу уйларнинг қулай ва афзал томонлари кўп экан. Кишда иссиқ, ёзда салқин. Ай-никса, фарзандларим хурсанд. Барча ҳавас қиларли даражада шароит яратиб берган Ўртбо-шимизга мингдан-минг раҳмат!

Туман аҳолисининг 50 фоиз-га яқинини хотин-қизлар таш-кил қилади. Уларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оила ва жамиятда нуфузини ошириш борасида ҳам ибратли ишлар олиб боришмоқда. Каса-начилик асосида уйда ўтирган аёллар бандлиги таъминланмоқ-да. Миллий хунармандчиликни ривожлантириш, қандолатчилик, зардўзлик, каштачилик, пазан-дчилик, гиламдўзлик устахона-лари фаолияти йўлга қўйилиб, қизларга хунар ўргатилмоқда. Далаларимизда барака бор.

Бундай самимий фикрлар ўз-ўзидан туғилмайди, албатта. Зеро, истиқлол биз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш имконини берди. Инсон қадри юксалди. Бинобарин, Мустақил-лигимизнинг 22 йиллик қутлуг санасини кенг миқёсда нишон-лаётган шу улуг кунларда ҳалол меҳнати тўфайли турмушини, юртни фаровон қилишга камарбаста бўлаётган қадрдонлари-мизга қарата "Байрам қутлуг бўлсин!" дегимиз келди.

Сафар КОКИЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

1991



2013

2012 йил

● 18-20 май кунлари пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ҳамда "Happy Sagavan" халқаро турнири юксак савияда ўтказилди.

● Жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган, "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, халқимизнинг гурури бўлмиш Тошкент шаҳри "Economist Intelligence Unit" тахлилий компанияси ва "BuzzData" тадқиқот фирмаси томонидан тузилган рейтингда "Дунёдаги энг гўзал шаҳар", дея эътироф этилди.

● Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган эркин курашчи Артур Таймазов олтин медални кўлга киритиб, уч карра Олимпиада чемпиони, деган юксак эътирофга сазовор бўлди. Шунингдек, Лондон Олимпиадасида ҳамюртларимиздан Ришод Собиров (дзюдо) ва Аббос Атоев (бокс) бронза медалини кўлга киритдилар.

● Япониялик олимлар таклифи билан 22948-сон-ли кичик сайёрани Халқаро астрономия иттифоқи "Майданак" деб номлади.

● Президентимиз ташаббуси билан мустақил-лигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жаррохлик марказининг Кардиохирургия мажмуаси қурилиб, фойдала-нишга топширилди.

● Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сийсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

● Тошкентда "Бунёдкор" спорт комплексининг очилишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

● Футбол бўйича Эронда ташкил этилган ўсмир-лар ўртасидаги Осие чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси голлибликка эришди ва 2013 йилда Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлигидаги жаҳон чемпионатида иштирок этадиган бўлди.

● Словениянинг Марибор шаҳрида шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ватанимиз ша-рафини ҳимоя қилган Нодирбек Абдусатторов олтин медални кўлга киритди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2013/2014 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинади-ган 528 минг 972 нафар ўқувчига "Президент совғаси" сифатида 12 номдаги ўқув қурол-лари ва ўқувчи сумка-сидан иборат совғалар 2 сентябрь кунини "Мустақиллик дарс-лари"да тантанали равишда тарқатилади.

Биласиз, жорий йилдан эътиборан республика-миздаги барча умумтаъ-лим мактабларида биринчи синфдан бошлаб чет тили ўргатилади. Бу борада Президентимиз-нинг 2012 йил 10 декабр-да қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизи-мини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Кенг кўламли ислохотлар самараси

лаш тизимини тубдан та-комиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва му-лоқотни ривожлантириш борасида кўлай шарт-ша-роит ҳамда имкониятлар яратмоқда. Қарорга асо-сан ишлаб чиқилган янги ўқув режага кўра, 1-4 синфларда ҳафтага 2 соатдан чет тили фани киритилди ва уни босқич-ма-босқич амалиётга жо-рий этиш белгиланди.

немец ("Deutsch macht spab") ва француз ("Hirondelle") тиллари бўйича дарслик маж-муалари яратилди. Маз-кур мажмуалар ўқувчи китоби, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедиа иловалар (DVD-диск)дан иборат. Шунингдек, Халқ таъли-ми вазирлиги томонидан "Умумий ўрта таълим мак-таб ўқитувчилари ва ўқув-

чиларининг одоб-ахлоқ қоидалари" ишлаб чиқил-ганлиги ҳусусида ҳам маъ-лумот берилди. Ушбу та-моийида ўқитувчи ва ўқув-чиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари, мактаб жамоаси аъзоларининг одоб-ахлоққа оид мажбури-ятлари ҳамда бурчла-ри ўз аксини топган. Янги ўқув йилида "Одоб-ахлоқ қоидалари" барча умумтаълим мактаб-ларида амалиётга жорий қилинади ва унинг мазмун-моҳияти билан нафақат мактаб жамоаси, балки ота-оналар ҳам тўлиқ таништирилади. Анжуманда журналист-лар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

М. ЖОНИХОНОВ.

Эълонлар

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Навоий вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этилади. Аукцион савдосига Навоий шаҳри СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2013 йил 9 январ-даги 1-376-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 95-уйда жойлашган, тўражой майдони 27,2 кв.м., фойдаланиш майдони 46,55 кв.м. бўлган 2 хонали 102-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 38 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очқ-аукцион савдосига таклиф этилади. Аукцион савдосига Қарши тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 27 февралдаги 10-0816/14416-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани, Мустақиллик кўрғонига жойлашган, «Қарши вино-консерва» заводида қарашли, умумий ер майдони 60000,0 кв.м., қурилиш майдони 23462,68 кв.м. бўлган иссиқхона бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 177 784 200 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 17 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан

Оқолтинда янги корхона

Оқолтин туманида трикотаж матолар ҳамда тайёр кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Сардобатекстиль" корхонаси иш бошлади.

ЯХШИ ХАБАР

Банк томонидан ажратилган 200 миллион сўмлик кредит эвазига бу ерга хорижнинг замонавий техноло-гиялари ўрнатилди. Эътиборлиси, тайёрланаётган махсулотларнинг 80 фоизини экспорт қилиш режалаш-тирилмоқда.

— Ҳозир 100 га яқин кишининг бандлиги таъминлан-ди, — дейди корхона директори Толибжон Раҳимов. — Ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичи йўлга қўйилган, яна шунча иш ўрни яратилади.

Айтиш жоизки, Сирдарё вилоятида етиштирилаётган пахта толасини sanoat асосида тайёр махсулотга айлантириш бўйича яна бир нечта истиқболли лойиҳа-лар амалга оширилмоқда. Улар рўёбга чиққач, вилоят-да толани қайта ишлаш ҳажми ўтган йилдаги кўрсат-кичга нисбатан қарийб икки баравар ортади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ошхонасида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида корхоналар ўртасида тендер эълон қилади. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 256-33-27, 256-24-36. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телерадиоканалии ёпиқ акциядорлик жамоаси катта муҳаррир Хулқар Тўраевага волидан муҳтарамаси РОБИЯ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди. Тошкент молия институти ректорати ва жамоаси Суғурта иши кафедраси муdiri, иқтисод фанлари номзоди, доцент Илс Очиллова падари бузруквори Келдиёр ОЧИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

Мустақил сурури



ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҚАДРИ

Маҳаллага ишга юборишда, "Қандоқ бўларкин", деб бир оз иккиланганим. Янгилик эканман. Бугунги профилактика инспектори бир пайтлардаги "участковой мелиса"дан тамоман фарқ қилишини хизмат жараёнида тўла тушуниб етдим.

Маҳалла билан ишлаш гапиди. Узинг танган, билган одамларнинг кўнги ва ташвишига доимо шерик бўласан. Айниқса, маҳаллага нафис текканда, кексалар "баракат топ, болан", деб дуо қилишганда, касб машаққатлари батамом унутилади.

Бугунги сўрасангиз, маҳалламиз катта, одамлари аҳли, меҳр-оқибатли. Уч минга яқин аҳоли, тўрт юздан зиёд оила яшайди. Хонадонларнинг рўзғори бут. Хунармандчилик, боғдорчилик, гулчилик, чорвачилик дегандай, ҳар бир оиланинг ҳаёли даромад манбаи бор. Яна қасаначи аёлларимиз қанча...!

Кўз тегмасин, кейинги пайтларда маҳалламизда аёллар ва ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари умуман қайд этилмади. Бу, шубҳасиз, хотин-қизлар бандлиги таъминланаётгани, ёшларимиз таълимга, спортга кенг жалб этилаётганидан. Тунов куни оқсоқолимиз Урозали ака мақтаб қолди — маҳалламиз спортчи ёшларининг олтин ва кумуш медаллари 200 тадан ошди. Ундан зиёд ўсмирларимиз халқаро мусобақалар ғолиби экан. Яна маҳалламиздан чиққан футболчи йиғитларимизни даромад номдор клублардан "совчи"лар келишаётганига нима дейсиз?!

Бу, шубҳасиз, мустақиллик шарофати, юртимиздаги тинчлик, осойишталик тўғрисида. Тасаввур қилаян-сизми, энди бизнинг маҳалламиз "чекка ҳудуд" ҳисобланмади. Бундан-да оқов ва фаровон бўлиб бораверади.

Муроджон УСМОНОВ,
Ангрэн шаҳар Жигаристон маҳалласидаги милиция таянч пункти профилактика инспектори.

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

меҳнатсевар
Ўзбекистон халқини
ЭНГ улуғ, ЭНГ азиз
байрам —
Мустақиллик куни
билан қизгин
табриклайди!

Ушбу нурафшон айёмда барчага оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

«ЎЗБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛ»

уюшмаси жамоаси

*Ўзбекистон халқини
жаннатдонанг юртимиз
узра аратувганлик,
бунёдкорлик шукруҳини олиб келган*

Мустақилликнинг

22 йиллиги байрами

билан салтанатий кутлайдиги.

*Ватанимиз рабнақи йўлидаги меҳнатингизда
зафарлар, дастурхонингизга қут-баракат
тилаймиз!*

*Остониимиз мусарфро,
тинчлигимиз абадий бўлсин!*

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қўқон СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 27 сентябрдаги 15-1101/12930-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учкўприк тумани, Қақир санат зонасида жойлашган автоцеҳ маъмурий бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 511 870 040 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 7 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 244-46-39. Электрон почта: rieltssavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Хоразм вилояти филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 июлдаги 84-АС-сонли буйруғи ва аукцион комиссиясининг 2-сонли баённомасига асосан хатланган, Ҳазорасп тумани, Бешта қишлоғида жойлашган «Бешта» фуқаролар амбулатор пункти бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 138 310 000 сўм.

Балансда сақловчининг номи — Хонқа тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисослиги — маъмурий бошқарув.
Умумий ер майдони — 735,75 кв.м., шундан қурилиш ости майдони — 442,86 кв.м. Аукцион савдоси 2013 йил

4 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Буюртманомалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 3 октябрь куни соат 12.00.

Талабгорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра, ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган зақалат давлат активи сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камини ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига қолган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Урганч ш., И. Бобожонов к., 23-уй. Тел./факс: (8-362) 226-32-63. www.1kms.uz rieltssavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2013 йил 25 сентябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- Самарқанд шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан: 1. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 5 апрелдаги 2-174/9-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси, 153-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 662,4 кв.м., фойдаланиш майдони 642,55 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи омборхонаси.
Бошланғич баҳоси — 184 109 000 сўм.
- ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 3 декабрдаги 104-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Чўпонота мавзеси, Тошкент тракти кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 397,42 кв.м. бўлган савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 377 722 000 сўм.
- ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 3 декабрдаги 104-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси, 31-уй, 13-хонадонда жойлашган, қурилиш ости майдони 53,54 кв.м., фойдаланиш майдони 47,23 кв.м. бўлган 2 хонали уй-жой.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.

Лицензия: № RR-0017.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпшов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 1 сентябрь, яқинба куни чиқади).